2018 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (13.792)

Баҳоси эркин нархда

КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни кимё саноатини жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, кимё соҳаси замонавий саноатнинг "катализатори" бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқариш негизида кимёвий жараёнлар ётади, бу соҳасиз иқтисодиётда тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистон заминида Менделеев жадвалидаги қарийб барча кимёвий элементлар мавжуд, мамлакатимиз углеводородларга бой бўлса-да, кимё саноатимиз асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик каби тармоқлар учун зарур бўлган мураккаб полимерлар, катализаторлар, реагентлар ва синтетик толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Бунинг оқибатида ҳар йили 1,5 миллиард долларлик кимё маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган фосфор ва калийли минерал ўғитлар ҳам мавжуд талабнинг фақат учдан бирини қоплайди, холос.

Мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватлари 60-70 фоизга эскиргани энергия ресурсларининг ортиқча сарфланиши, кимё маҳсулотлари таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Ўтган йилдан минерал ўғитга талабни қондириш учун 3,1 миллиард долларлик 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошлади. Бундан ташқари, кимё саноати маҳсулотларини диверсификация қилиш мақсадида 2025 йилгача 4,2 миллиард долларлик яна 17 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Шунинг учун, кимё тармоғига хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг муҳим ва устувор вазифаси бўлиши зарур.

Йиғилишда тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё саноатини янада ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, тармоқни ривожлантириш учун янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда азотли ўғитларга талаб 73 фоиз, фосфорли ўғитларга 20 фоиз таъминланмоқда. Азотли ўғит ишлаб чиқариш қувватларининг ўртача эскириш даражаси 64 фоизни, фосфорли ўғит бўйича 77 фоизни ташкил қилади.

Соҳадаги вазиятни яхшилаш мақсадида келаси беш йилда умумий қиймати 2,8 миллиард долларлик 9 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида минерал ўғит ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар кўпаяди. Азотли ва калийли ўғитларга талаб тўла қопланади, фосфорли ўғитларга эҳтиёжни қондириш даражаси бир неча баробар оширилади.

Айни пайтда табиий газнинг атиги 14 фоизи, жумладан, кимё тармоғида 5 фоизи чуқур қайта ишланмоқда. Кремний, каолин ва гипс хомашёсидан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш эътибордан четда қолмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан полиэтилен, полипропилен, полистиролга хорижий давлатлардаги эҳтиёжнинг молиявий қиймати 100 миллиард доллардан ошади. Бу эса биз учун яхши имкониятдир.

Шу сабабли, кимё саноатида маҳсулотлар турини диверсификация қилиш учун органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича 15 та ва ноорганик моддалар бўйича 8 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга ушбу лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Кимё саноатида йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим. Йиғилишда "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Соҳага инновациялар умуман жорий қилинмагани, илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Шунинг учун Корея кимё-технологиялари илмий-тадқиқот институти (KRICT) билан ҳамкорликда Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти негизида илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва муҳандислик, кадрлар тайёрлашга ихтисослашган марказ барпо этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддиларга белгиланган барча вазифалар бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

ЎзА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан жорий йил 18 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотнинг давоми сифатида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳолати юзасидан фикр алмашадилар, стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қиладилар.

Ташриф кун тартибидан долзарб халқаро масалалар, жумладан, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш масалалари ҳам ўрин олган.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида илк бор Таълим форуми ва "Ўзбекистон – Россия" ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилади, шунингдек, мамлакатимизда атом электр станцияси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, 2019-2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019-2021 йилларда маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги келишув, "Суффа" халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" ва бошқа муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф асносида, шунингдек, Ўзбекистон билан Россия ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ва савдо шартномаларининг имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

САВДО ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Тошкентда АҚШ билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.

Тадбир доирасида пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида стандартлаштириш, санитария ва фитосанитария тадбирлари, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳ мажлиси ташкил қилинди.

Ушбу тадбир мамлакатимизда "АҚШ бизнес ҳафталиги" доирасида илк бор ўтказилди. Унда кенгашга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва АҚШ, шунингдек, кузатувчи мақомига эга мамлакатлар – Афғонистон ва Покистон делегациялари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазири Ж.Хўжаев, АҚШнинг Жанубий ва Марказий Осиёдаги савдо ишлари бўйича вакили ёрдамчиси М.Линскотт ва бошқалар Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, қўшни ва ҳамкор давлатлар билан яқин шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш орқали ўзаро манфаатли савдо муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг дўстона ҳамкорлик принципларга асослангани Марказий Осиё минтақаси, унга қўшни давлатларда савдо ва инвестицияларни ривожлантиришда янги истиқболлар очаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш устувор тамойил сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15-17 май кунлари Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи доирасида савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликка оид эришилган келишувлар ҳам Марказий Осиёнинг интеграциялашувини янада фаоллаштириш, ушбу минтақа ва унга қўшни давлатларда қўшма дастурларни амалга ошириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

АҚШ билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгашининг мунтазамлик касб этган мажлислари савдо-сармоя соҳасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг инвестиция сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Унинг фаолияти турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадбир океанорти мамлакати ва Марказий Осиё давлатларининг ривожланаётган бозорлардаги янги имкониятлардан самарали фойдаланиши учун зарур шароит яратади.

Музокаралар чоғида божхона тарифларини енгиллаштириш, бозорлар очиклигини таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, савдо-сотиқни кенгайтиришдаги самарали ёндашувлар муҳокама қилинди.

Анжуманда Марказий Осиёда савдо соҳасидаги дастурларни амалга ошириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш истиқболларига бағишланган тақдимотлар ўтказилди.

Марказий Осиё давлатлари, унга қўшни Афғонистон делегациялари билан АҚШ ишчи гуруҳининг икки томонлама музокаралари ташкил қилинди.

Мажлис якунлари бўйича ишчи гуруҳларнинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган фаолиятига бағишланган қўшма баёнот қабул қилинди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбек миллий бош кийими бўлган дўппилар эркаклар ва аёллар миллий либосини тўлдириб, кўрк бериб туради. Юртимизда дўппилар бош кийим сифатида ўрта асрларда кенг тарқалган. Дўппи тикиш санъати аждодлардан бизга, онадан қизга мерос бўлиб келмоқда.

ЎЗБЕК ДЎППИЛАРИ – МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

Юртимиз ҳудудларида турфа хил кўринишдаги дўппилар мавжуд. Сурхондарё ва Қашқадарёда думалоқ кўринишдаги дўппилар ёрқин, бир-биридан кескин фарқ қиладиган иплар билан, Бухоро дўппилари эса асосан зар иплар билан тикилган. Келиб чиқиш тарихига кўра Фарғона дўппилари қадимийроқ ҳисобланади. Фарғона дўпписи жиддий, содда ва декоратив кўриниши билан ажралиб турган. Фарғона дўппилари учун безак унчалик аҳамиятга эга эмас. Чуст, Марғилон, Қўқон, Андижон дўппилари ҳам машҳур.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи фондида ана шундай миллий бош кийимларимиз – дўппиларнинг барча турдаги намуналари бор. Музейда ташкил қилинган кўргазмада ушбу экспонатлар ҳамда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг биринчи курс талабаси Рухсора Айтмирзаеванинг рўмоллар коллекцияси намойиш қилинди.

Момоларимизнинг айтишича, Фарғона дўпписининг тўртта бурчагида акс эттирилган қалампирмунчоқ эркак кишининг ҳар томонлама соғлом бўлишини ҳимоялар экан. Нақшлар ёнига туширилган ўн олти пештоқли хўшиялар эса, унинг оилада бош бўлиши, оила мустаҳкамлиги ва кўп фарзанда ота бўлишига тилакдир.

– Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм дўппилари бир-биридан фарқ қилади, – дейди Рухсора Айтмирзаева. – Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос безалиш усулига эга. Унга қандай жилва бериши дўппидўзнинг маҳоратига боғлиқ. Деярли барча вилоят дўппиларида миллий тимсоллар тасвирланади. Уларга гул ва япроқ, ғунча, доира шакллар туширилади. Ўзбек дўппиларига хорижликларнинг ҳам қизиқиши ва ҳаваси баланд. Моҳир қўллар яратган дўппиларни бошқа халқлар вакилларининг бошида кўрганимда қалбимни алланечук фахр ва ифтихор туйғулари чулғаб олади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қайд этилсин.

Жумладан, республикада тез тиббий ёрдам хизматини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш юзасидан қабул қилинган бир нечта қарорларнинг натижалари бугунги кунга қадар сезилмаяпти. Тез тиббий ёрдам чақирувларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш эскича, қўл механизмлари ёрдамида бажарилмоқда.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида беморларнинг касалхонага етиб боргунга қадар вафот этиши кўпайиб бормоқда. Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса ўлим сони икки баравардан тўрт бараваргача ошган.

Мурожаатларни саралашнинг амалдаги тартиби мавжуд куч ва воситаларни энг муҳим чақирувларга хизмат кўрсатиш учун йўналтириш имконини бермайди, натижада ёлғон чақирувлар сони ошмоқда ёки сурункали касалликлари авж олган, бироқ ҳаёти хавф остида бўлмаган беморларга хизмат кўрсатилмоқда.

Ажратилаётган бюджет маблағлари сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконини бермаяпти.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда Президентимизнинг 2018 йил 22 январдаги "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ҳудудларда ўтказиладиган жамоатчилик мониторинги муҳокамасига бағишланган семинар ташкил этилди.

● Термизда Афғонистон Ислом Республикасининг бош консуллиги очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти ногиронлар реабилитация марказида илк маротаба умуртқа поғонаси диск чуррасини жарроҳлик амалиётисиз даволаш муолажаси амалга оширилди. Замонавий усулдаги жарроҳлик амалиётини кенг жорий этиш мақсадида марказнинг уч нафар ходими хорижда тажриба ўрганиб қайтди. Энди улар шу тизим асосида иш олиб боради.

● Фарғона шаҳрининг Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройида Европа киноси фестивали бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Европа Иттифоқи делегацияси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Термизда Ўрта Осиё мамлакатлари ёшларининг "Дўстлик" форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларига, замонавий саноат корхоналари ҳамда "Термиз марварриди" санаторийсига уюштирилган саёҳат, бахши-шоирлар билан учрашув, Термиз шаҳридаги муҳташам "Санъат саройи"да театрлаштирилган саҳна асарлари намойиши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Термиз шаҳридаги халқаро ёшлар оромгоҳида ташкил этилган спорт беллашувлари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ЖАҲОНДА

● Португалияда "Лесли" тропик пўртанаси оқибатида 27 киши жабрланди. Мамлакат соҳилларига кечаси етиб келган пўртана юзлаб уйларни электр энергиясисиз қолдирди. Пўртана Португалиянинг Фидейрада-Фош шаҳри яқинида ёпирилди. Шамол шиддати соатига 176 километрга етди.

● Германиянинг Гассен федерал ерида самолёт оломон устига қулади. Воқеа Фулда шаҳри яқинида рўй берди. Фожиа оқибатида уч киши ҳалок бўлган ва улардан бири ёш бола бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тез тиббий ёрдам хизматини жадал ривожлантириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишда тезкор, технологик ва самарали фаолият кўрсатишга эришиш мақсадида:

1. **Шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатиш** тез тиббий ёрдам хизматининг устувор вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришга амалий кўмаклашиш ва унинг моддий-техника базасини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар 2019 йил 1 январдан бошлаб Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган маблағларни 29 фоиздан 10 фоизга камайтирган ҳолда, мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг 19 фоизи;

халқаро ва хорижий молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга сарфланиши белгилаб қўйилсин:

тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркини ўз вақтида янгилаш, шунингдек, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни харид қилиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва амалиёт ўташини, шу жумладан, хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Тез тиббий ёрдам хизматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ва ҳажмлари сақлаб қолинсин.

Жамғарманинг маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳайъати қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлик белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича махсус автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиббиёт ускуналари ва сарфланадиган материаллар, компьютер техникаси, алоқа воситалари, техник ўқитиш воситалари, адабиётлар ва тез тиббий ёрдам хизматига зарур бошқа моддий-техника ресурслар учун 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод этилсин (божхона йиғимлари бундан мустасно).

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Жамғарма тўғрисидаги низомни ҳамда Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартибини;

Жамғарманинг 2019 йилга мўлжалланган харажатлар сметасини, шу жумладан, ушбу қарорни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутган ҳолда тасдиқласин.

6. Қуйидагилар:

2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши ва Вазирликнинг веб-сайтида эълон қилиб борилиши лозим;

баҳолаш натижалари тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш учун асос бўлади, шунингдек, хизмат муассасаларини раҳбар кадрлар билан тўлдиришда ҳисобга олинади.

7. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда – Миллий палата) билан биргаликда икки ой муддатда Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторларини ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Паровозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан биргаликда тез тиббий ёрдам хизматини 2020 йилдан бошлаб авиация техникаси билан жиҳозлаш ва (ёки) авиация хизматларини харид қилиш, шу жумладан, давлат хусусий шериклик асосида харид қилиш бўйича таклифларни 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

чақирувлар тузилмасидан, тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва хусусиятидан келиб чиқиб, фельдшерлик бригадалари улушини оширган ҳолда тез тиббий ёрдам хизматини 2019 йил якунига қадар қайта тузиб чиқсин;

икки ой муддатда республиканинг айрим ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам хизматини бошқариш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклиги асосида инвесторларга ўтказиш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирликнинг **Шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказини Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази этиб** (кейинги ўринларда – Марказ) қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгиланснки, Марказ тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича базавий методик муассаса ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

авария-қутқарув хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа юридик шахслар ходимларини, шунингдек, фуқароларни шошилинч тиббий ва тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

шифохонагача тиббий ёрдам кўрсатиш шакллари ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича бошқа муассасаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятида методик ёрдам кўрсатиш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида семинар-тренинглар, мастер-класслар, вебинарлар, телекўприклар ташкил этиш ва бу жараёнга етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ва ўқув марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ушбу йўналишда грантлар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш.

10. Юклатилган вазифалар доирасида Марказга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, давлат тиббиёт ташкилотларидан Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур ахборотни, статистик ва архив маълумотларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиалларни ташкил этиш;

давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни таълим жараёнига шартнома асосида жалб қилиш.

11. Шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан ўтиш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот марказига юборириладиган давлат органлари ва давлат улушига эга бўлган ташкилотлар ходимларининг контингенти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминлаб туриладиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ўз ходимларини Марказда ўқитиш учун ҳар йилги бюджетдан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ўз ходимлари ва инструкторларини ўз маблағлари ҳисобидан ҳар йили ўқишга юборсин.

Тез тиббий ёрдам хизмати бригадаларининг ҳайдовчилари Марказда шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўтиши белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда Марказдаги таълим жараёни, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати устидан мунтазам назорат ва мониторинг ўрнатсин.

14. Вазирлик Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Чорвоқ" эркин туристик зонаси дирекцияси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар "Чорвоқ" эркин туристик зонаси ҳудудида тез тиббий ёрдам хизмати парамедиклари фаолиятини ташкил этиш бўйича қуйидагиларни назарда тутган синов лойиҳасини амалга оширсин:

парамедиклар томонидан фуқароларга кеча-кундуз узлуксиз юқори малакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг аҳолига имкон қадар яқинлаштирилишини ҳисобга олиб, парамедиклар кучларини мувофиқлаштирилган ҳолда жойлаштириш ва бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш;

фуқароларнинг ёки ички ишлар, фавқулодда вазиятлар органларининг тегишли хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг чақирувлари бўйича воқеа жойига тез етиб келишни таъминлаш;

тез тиббий ёрдам хизматининг бошқа бригадалари билан оператив ҳамкорлик қилиш механизмини жорий этган ҳолда фуқаролар ва туристлар тўпланадиган жойларда парамедиклар патруллик қатновларни йўлга қўйиш.

15. Вазирлик:

2019 йил 1 февралга қадар парамедиклар томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар Марказда зарур миқдордаги фельдшерларни парамедиклар ихтисослигига ўқитишни, шу жумладан, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги етук хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни таъминласин;

2019 йил якуни бўйича тез тиббий ёрдам хизматида парамедиклар фаолиятини кенгайтириш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқармасининг қуйидаги имкониятларга эга автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда – автоматлаштирилган тизим) яратсин ва фойдаланишга топширсин:

аҳолининг чақирувларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, устунлик тартибида хизмат кўрсатиш лозим бўлган чақирувларни автоматик белгилаш;

махсус автотранспорт ҳаракатини бошқариш, шу жумладан, GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда, кейинчалик босқичма-босқич рақамли радиоалоқага ўтиш орқали автотранспорт ҳаракатини мониторинг қилиш;

тез тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахслар жойлашган жойни телефон (мобиль) алоқаси орқали автоматик аниқлаш;

тез тиббий ёрдам ёрдам бригадаларини мобиль иловалар ёрдамида, шу жумладан, имкониятлари чекланган шахслар учун чақириш;

фойдаланиладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни шошилинч хизматларининг ахборот тизимлари билан бирлаштириш;

фуқаролар томонидан тез тиббий ёрдам станциялари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш.

б) Тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини нормативларга мувофиқ тўлиқ жиҳозлаш учун 2018 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан қўшимча телефон линиялари (рақамлари) ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш, техник қўллаб-қувватлаш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Вазирликка юклатилади;

автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланади;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 16 мартдаги ПҚ–2838-сонли қарорида белгиланган ҳажмлар ва манбаларда молиялаштирилади.

Вазирлик Жамғарма маблағлари ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни фойдаланишга топшириш назарда тутилган муддатларда ички локал-ҳисоблаш тармоқлари яратилишини ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати бўлинмаларини зарур ускуналар ва анжомлар, шу жумладан, GPS-навигаторлар ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда (ёки) унинг ҳудудий бўлинмалари буюртманомалари бўйича тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини телефон линиялари (рақамлари) билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Қ.Шодмонов – тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, махсус автотранспорт харид қилиш ва транспорт паркини ўз вақтида янгилаш, шунингдек, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Содиков – автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш, ушбу тизимни яратиш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати эҳтиёжлари учун телефон линиялари (рақамлари) ажратиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А.Абдуҳакимов – вазирлик ва идораларни улар зиммасига юкланган вазифаларни лозим даражада бажариши учун самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш жараёнини мунтазам равишда кўриб бориш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

18. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда:

тез тиббий ёрдам бригадалари учун фельдшерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув дастурларини;

тез тиббий ёрдам чақирувларининг шошилинчлилигига қараб жойлаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2019 йил 1 январга қадар:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб республиканинг тиббий касб-ҳунар коллежларида тез тиббий ёрдам бригадалари учун фельдшерларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув дастурларини жорий этиш чораларини кўрсин;

санитар авиация шаклида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 октябрь

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислоҳотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради.

Биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бунинг учун зарур инвестицион муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун кафолатларни яратиш-миллий иқтисодиётнинг тизимли таъминланиши ва ишлаб чиқариш модернизациясининг экспорт ўсиши ва импорт ўрнини босиш таъминланишининг муҳим шартларидандир.

Хусусан, пойтахтимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 14287,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,5 фоизни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни иқтисодий фаолият турлари бўйича йўналишларини таҳлил қиладиган бўлсак, саноат соҳасига 3681,5 млрд. сўмни (жамига нисбатан 25,8 фоизни), транспорт соҳасини ривожлантиришга 2176,9 млрд. сўмни (жамига нисбатан 15,2 фоизни), алоқа соҳасига 317,7 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 2,2 фоизни), қурилиш соҳасига 496,3 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 3,5 фоизни), уй-жой қурилиши соҳасига эса 2535,2 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 17,7 фоизни) ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар молиялаштириш манбаларига эътибор қаратсак, бюджет маблағлари 785,4 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 5,5 фоизни), корхоналарнинг ўз маблағлари 6000,0 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 42,1 фоизни), аҳоли маблағлари 931,4 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 6,5 фоизни), хорижий инвестиция ва кредитлар 1686,2 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 11,8 фоизни), тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 3389,3 млрд. сўмни (жамига нисбатан, 23,7 фоизни) ташкил этди.

Тошкент шаҳри бўйича ҳисобот даврида хорижий инвестиция ва кредитлар 1686,2 млрд. сўмни ёки 229,7 млн. долларни ташкил этди. Булардан, тўғридан-тўғри кириб келган хорижий инвестициялар ва кредитлар 891,9 млрд. сўмни ёки 130,5 млн. долларни ташкил этди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида 6500,9 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,0 %ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 1714,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 %ни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суръатига нисбатан 8,3 % пунктга камайди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 3528,9 млрд. сўм ёки 116,9 %ни ҳамда норасмий сектор 1257,2 млрд. сўм ёки 87,2 %ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,0 %ини ташкил этди, Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,3 %ни, Чилонзор туманида 13,7 %, Юнусобод туманида 9,2 % ва Яккасарой туманида 8,8%ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 60,4 %и қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 39,6 %ни ташкил қилди.

Албатта, ушбу рақамлар мамлакатимизнинг, хусусан, Тошкент шаҳрининг иқтисодий фаровонлигига хизмат қилувчи омиллар ҳисобланади. Мазкур рақамлардан кўзланган пировард натижада эса, пойтахтимизнинг ишга лаёқатли аҳолисини муносиб иш жойлари билан таъминлаш, қолаверса, халқимиз турмуш даражасини юқорига кўтаришдек эзгу ва олий мақсадлар ётибди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАШ УЧУН...

Эндиликда Кореяда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун бўлиб ўтадиган тест синовлари фақатгина фуқароларнинг корейс тилини билиш даражасини белгилаш билан чекланмасдан, иш малакаси, жисмоний ҳолатини ҳам аниқлашни кўзда тутади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда Корея Республикасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун топшириладиган тест синовлари бўйича саволлар юзасидан маълумот берилди.

– Хорижий давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан тузилган битим ва шартномаларга асосан 2018 йилнинг 6 ойи давомида Кореяга 1243, Россияга 513, Туркияга 241 ва Польшага 5 нафар фуқаро ишга юборилди, – дейди Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи Равшан Ибрагимов. – Кореяда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун корейс тилидан навбатдаги тест синовларида қатнашиш истагини билдирган, 2018 йилнинг 9-15 май кунлари онлайн рўйхатдан ўтган, банк тўловини амалга оширган ҳамда Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан тасдиқланган фуқароларга 20 июль – 28 август кунлари навбатдаги тест синовлари ўтказилиши белгиланган.

Матбуот анжуманида айтилганидек, тест жараёни ўқиш (20 та савол) ва эшитиш (20 та савол) қисмларидан иборат. Ҳар бир қисмнинг давомийлиги 25 дақиқадан жами 50 дақиқани ташкил этади. Батафсил маълумотлар билан агентликнинг www.migration.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

И.АҲАТОВА,
ЎзА мухбири

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун

ЭНГ ЁҚИМЛИ СЎЗ – БУ СИЗНИНГ ИСМИНГИЗ

Исм – ҳусн. Инсон келажагига таъсир этувчи, уни улкан зафарларга чорловчи куч. Психологлар қулоққа ёқимли эшитилувчи сўз – бу кишининг исмидир, дейишади. Шу боис, руҳиятга таъсир қилиш, бирор ютуққа эришиш ёхуд ўз карьерангизни яратишда, аввало, сиз суҳбатдошингиз ёки ҳамкорингизга қандай оҳангда, нима деб мурожаат этишингиз муҳим аҳамият касб этади. Танимаган, аммо қайсар ёхуд нозиктаъб одам билан алоқа ўрнатишда сизнинг ёки унинг исми ўзаро муносабатларнинг бир марталик ёки давомий бўлишини белгилаши ҳам мумкин.

...Йигит қизга совчи қўйди. Қизнинг телефон рақами берилди (яширишнинг кераги йўқ, ҳозир аксарият ҳолларда шундай бўляпти). Аммо қиз учрашувга рози бўлмади. Ёки йигит фикридан қайтиб қолди. Бунга сабаб уларнинг гапи қовушмагани. Суҳбатдошининг, яъни бир умрга яшаши мумкин бўлган орзусидаги шаҳзоданинг ўзига "Нилу" ёки бўлмаса "Муни" дея мурожаат қилиши қизнинг фикрини ўзгартирди. Бироз жаҳл ва хафа бўлгандек, "Исмим Нилуфар ёки Мунира. Исмимни қисқартириб айтишлари менга ёқмайди", дея жавоб қайтарди. Бу эса, табиийки, йигитга ҳам хуш келмади. Бир кўришда ёқтириб қолган маликаси энди унинг хаёлида калондимоғ, худбин, ақл ўргатадиган, ўзини бошқалардан устун кўядиган кимса сифатида гавдаланди...

Исм – инсоннинг шарафи. Лекин айрим ёшлар орасида Фароғатни "Пора", Наргизни "Наги", Шаҳодатни "Шаҳот", Севарани "Сева, Севка", Санобарни "Санка, Санов" тарзида айтиш ҳолатлари учрайди. Исм қўйишдан мақсад инсонни улуғлаш, дедик. Аммо юқоридаги каби ҳолатлар бунинг акси эмасми? Халқ орасида айрим исмлар шундай қўпол талаффуз қилинадики, ҳатто уялиб кетасан киши. Шундай пайтлари, аввало, исм эгасининг, сўнг унга мурожаат этувчи, ота-она, бобо-бувининг жимгина қараб туришидан, аниқроғи бепарволигидан ҳайрон қоласан. Баъзилар чақалоқ туғилгач, унга қандай исм қўйишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Орамизда, аввалгидек ҳужжат (туғилганлик ҳақида гувоҳнома) олиш учун кетаётган одамга "Ўзинг бир нима деб ёздириб кел" қабилида иш тутувчилар камайган, ҳар қалай.

Назаримда, мактабда ўқитувчилар ҳам бунга эътибор қаратишлари ва ўқувчиларнинг исмини тўлиқ талаффуз этишлари керак. Ахир, ўқитувчи кўплаб ўқувчилар диққатидаги шахс. Унинг ҳар айтган гапи ўғил-қизлар учун сабоқ, бир умрлик мактаб. Тили эндигина чиққан болага қайси сўзни қандай талаффуз қилишни ўргатсангиз – шунга одатланганидек.

Кўҳна удумимизга кўра, чақалоқ етти кунлик бўлгач, фарзандли бўлган ота ёки неварали бўлган бобо ўқимишли, обрўли, иймон-эътиқодли, диёнатли, иложини тополса, машҳур кишини уйига чорлаб, жигарбандига исм қўйиб беришни илтимос қилганлар. Чунки болага яхши исм бериш ота-онанинг бурчи, биринчи галдаги вазифасидир. Шариат буюришича, исм қўювчи киши чақалоқнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтади. "Солиҳ ва солиҳа бўлсин, фарзанди комил бўлсин, Оллоҳ таоло ва миллат равнақи йўлида яхши амалларни қилгувчи бўлсин" сингари эзгу тилакларни билдириб, дуога қўл очади. Бола эсини танигач, унга "Фалончи сенга исм қўйган, ўша кишидек яхши одам бўлгин", деб қайта-қайта тайинлайдилар. Бола ҳам ўзига исм қўйган у зотдек бўлишга интилиб, ўз исми билан фахрланиб юради. Бундан кўринадики, ота-боболаримиз исм қўйиш орқали ҳам яхши таълим-тарбия беришни, ўтиб кетган ва барҳаёт яхши одамлардан ибрат олишни кўзлаганлар.

Замон ўзгаргани сари исмлар ҳам ўзгариб: баъзилари йўқолиб, айримлари оммалашиб боради. Бу жараённи ҳам ижобий баҳолаш мумкиндир, эҳтимол. Аммо ҳозирда кўп қўйилаётган исмлар вақт ўтиб аҳамияти ва жозибасини (шундай ҳисобласангиз) йўқотмайди, деб айта олмаймиз.

Бир пайтлари (ҳали узоқ вақт бўлгани йўқ) хориж сериалларидаги қаҳрамонлар ёки (кун сайин кўпайиб бораётган) "юлдуз"лар исмлари билан аталган чақалоқ бугун катта ёшли кишига айланди. Ёш авлод вакиллари эса, улар исмининг нега Клара, Камилла ёки Глейра эканини тушунишмайди. Демак, мавсумий исм танлаш ҳам нотўғри. Аммо исм қўйишда машҳур адабий асарлардаги бош ижобий қаҳрамонлар ҳам муайян даражада аҳамият касб этишини-да инкор қилиб бўлмайди.

Мисол тариқасида публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Ёруғлуғ" китобидаги қуйидаги фикрларни келтириш ўринли: "Абдулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари тарқалиши билан Рустам, Суҳроб исмлари халқимиз орасида кенг ёйилди. Йигирманчи асрнинг йигирманчи ва ўттизинчи йилларининг биринчи ярмида ўғил болаларга Отабек, Анвар ҳамда қиз болаларга Кумуш, Кумушбиби, Раъно исмларини қўйиш кенг расм бўлган эди". Бу ҳолни муаллиф Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари сабабли дея изоҳлайди. Тоҳир Маликнинг "Шайтанат"идан кейин туғилган болалар орасида эса Асадбек исмлилар кўпайди.

Ташкилотимизга айрим мактуб йўлловчиларнинг ҳамда конференция, семинар, йиғилиш сингари тадбирлар дастурларига киритилган иштирокчиларнинг исм-фамилиясида кўп ҳолларда хатоликлар борлигини кўрамиз. Исм-фамилиялардаги "о"нинг "а", "ў"нинг "у", "ҳ"нинг "х" тарзида ёзилганида фуқаролик ҳолатларини қайд этувчи ташкилотлар ҳамда ички ишлар бошқармаларидаги паспорт столи ходимларининг "ҳисса"си борлигини инкор этиб бўлмайди. Сайтимизда ана шундай хатолик билан ёзилган исм-фамилияларни имкон қадар тузатиб ёзиш анъанаси бор. Ушбу усул бошқа ташкилот ва оммавий ахборот воситаларида ҳам қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўпни кўрган ёши улуғ зиёлиларнинг фикрича, чоризм асоратида ва, айниқса, шўролар замонида ўзбекча, умуман туркийча исмлар славянча талаффуз билан бузиб айтилди ва шунга кўра бузиб ёзилди. Юқорида айтиб ўтилган ташкилотларда ўзбекча билмайдиган калондимоғ ва чаласавод кимсалар "фаолият" кўрсатгани сабабли исм-фамилиялар қисқартириб, бузиб ва нотўғри расмийлаштирилди. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва паспортлар нотўғри ёзилди. Афсуски, замона зайлига кўра, бу ҳолатга кўпчилик бефарқ қаради. "Ёруғлуғ"да келтирилган қуйидаги фикрларни мисол тариқасида келтириб ўтаман: "Диёримизда кенг тарқалган Муҳаммад исми "Маҳамат" деб ёзилган. Бу исм қўшма отлар таркибида "мат", "мама", "ма"гача қисқартирилган ҳолатлар ҳам бор: Муҳаммад Қобил – Матқобил, Муҳаммад Юсуф – Мамаюсуф, Муҳаммадраҳим – Мамараим деб ёзилган ва шундай ёзув таъсирида оғзаки нутқда бу исмларни қисқартириб айтиш русум бўлиб қолган. Шунингдек, кўп исмларимиз русчага мослаштириб, нотўғри ёзиларди: Аҳмад – Аҳмед (Аҳмедов), Иброҳим – Ибрагим, Ёқуб – Якуб, Хўжа – Ходжа (Ходжаев) кабилар".

"Юқоридаги фикрларим ўқувчиларга эриш туюлмасмикин. Аксинча, бироз мулоҳаза юритишга чорлармикин? Ахир исмни қисқартириб, чала эмас, тўлиқ айтиш фақат тил софлигига хизмат қилиб қолмасдан балки, ўзгаларга нисбатан ҳурмат белгиси ҳам-ку!" Қўл телефонимга келган хабар ҳали якунига етмаган ўйларимни учириб юборди. Қарасам, мобиль компаниясидан. Викторина ўйинлари эмас, бу сафар sms мазмуни бошқача: "Исм маъносини билинг. Исм сўзидан кейин исмингизни ёзиб,... рақамига юборинг. Мисол: ИСМ Асмира. 1 sms –...$".

Бундай мазмундаги хабарлар деярли барча қўл телефони эгаларига тез-тез келиб туради. Аксарият одамлар бу турдаги мурожаатларга бефарқлик билан қарайди. Аммо абонентлар орасида қизиқувчилари ҳам топилади. Мен ҳам улар сафига қўшиламан-да, исмим маъносини билиш учун тегишли рақамга хабар жўнатаман. Орадан ҳеч қандай вақт ўтмай "Моҳигул – ойдек сулув ва гул каби кўркам қиз" жавобини олдим. Қизиқ, исмимга бунчалик тез, қисқа ва лўнда қилиб таъриф беришларини кутмаган эдим. Юқорида мулоҳаза юритганимиздек, исмимнинг келиб чиқиш тарихи, қайси сўздан олингани, қайси замонларда кимларга қўйилган ёки қайси даврда оммалашгани ҳақида изоҳ бўлиши керак-ку!

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎзА мухбири

Маънавият

АДАБИЙ КЕЧА

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудига бағишланган "Дунёнинг ишлари" номли фотокўргазма ва хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғофуров, Қозоқбой Йўлдошев, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёзувчи ва шоирларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, мустақил ватанимизнинг адабиёти ва маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлар, жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди, бой адабий мероси ҳақида сўз юритди.

– Ўткир Ҳошимов ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшган ва халқнинг юрагидан жой олган ёзувчилардан саналади, – дейди Иброҳим Ғофуров. – Ёзувчи бир суҳбатида: "Менинг эътиқод даражасига айланган шиорим бор, Худо кўнгилга солмагунча, ёзувчи қўлига қалам олмайди, истеъдоднинг биринчи талаби ҳам шу бўлса эҳтимол. Ижод шунчаки қоғоз қоралаш эмас. Акс ҳолда саводи бор ҳар қандай одам адиб ёки шоир бўлиб кетаверарди. Чинакам бадиий асар ёзилмайди, катта ҳаяжон, ички эҳтиёж билан туғилади" – деган эди. У ўзининг ана шундай эътиқодига содиқ ижод қилди. Халқимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган етук асарлари халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди.

Ўткир Ҳошимов 1941 йили Тошкент вилоятининг Зангиота (ҳозирда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани) туманидаги Дўмбиробод мавзесида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқиш билан бирга, Республика газеталарида хат ташувчи, мусаҳҳиҳ, таржимон, адабий ходим, бўлим мудири лавозимларида фаолият юритган.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари сифатида ноширлик соҳасида ҳам фаолият юритган.

1985-1995 йилларда "Шарқ юлдузи" журналига бош муҳаррирлик қилган. 1995 йилдан 2005 йилгача Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлди. "Театр" журнали бош муҳаррири сифатида ҳам маънавиятимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшди.

Ёзувчининг "Пўлат чавандоз", "Гунафша", "Одамлар нима деркин...", "Бир томчи шудринг", "Баҳор қайтмайди", "Қалбингга қулоқ ос", "Узун кечалар", "Нимадир бўлди", "Нур борки соя бор", "Ер фарзандимиз", "Қуёш тарозиси", "Дунёнинг ишлари", "Ялпиз сомса", "Ок камалак", "Сирли юлдуз", "Изтироб", "Икки эшик ораси", "Дафтар ҳошиясидаги битиклар", "Хазина" каби китоблари нашр қилинган.

Адиб жуда кўплаб жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилимизга таржима қилган. Унинг "Хазон бўлган баҳор", "Баланд дорга осилма", Қатағон" сингари ижод намуналаридан беқиёс саҳна асарлари яратилган.

Тадбирда ёзувчи ва адабиётшунос олимлар Ўткир Ҳошимовнинг "Муҳаббат", "Деҳқоннинг бир куни", "Урушнинг сўнгги қурбони", "Ўзбек иши" каби новеллалари ўзбек ҳикоячилигида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, улар ўз сўзларида, "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" романларида замондош инсонларнинг тақдири, йигирманчи асрнинг кескин фожиавий ҳодисалари ҳаққонийлик билан акс эттирилганлигини, ҳар бир образ ишончли ва ҳаётий воқеаларга бойлиги билан ажралиб ўқувчи юрагидан муносиб жой олганлигини қайд этдилар.

Ёзувчининг "Хазон бўлган баҳор", "Инсон садоқати", "Виждон дориси" сингари бир қанча асарлари саҳналаштирилган. Унинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китоби эса ижтимоий-маънавий ҳаётимизда ўзига хос из қолдирган. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Ўткир Ҳошимов 1986 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига сазовор бўлди. 1996 йили "Меҳнат шуҳрати", 2001 йилда эса "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган.

Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ҳамда адибнинг оила аъзолари иштирок этган тадбирда унинг ҳар бир яратган асари халқ меҳрига мушарраф бўлганлиги таъкидланиб, ҳаётига доир илиқ фикрлар билдирилди.

Ўткир Ҳошимов китоблари ва ҳаётига бағишланган фотокўргазма ҳам иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
Кутбиддин НИЗОМОВ

ОДАМ САВДОСИ – ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Мустақил мамлакатимиз аҳолисининг тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифалардан саналади.

Маълумки, 21 асрнинг энг долзарб муаммоси – одам савдосидир. Айнан шу муаммонинг олдини олиш, аҳолини огоҳликка чорлаш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тошкент фармацевтика институтида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Одам савдоси экстремизм ва терроризм: инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид" мавзуида ўтказилган давра суҳбати ҳам шулар жумласидан.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳарбий техникаси университети вакиллари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, туман Кенгашлари раислари, ўқитувчи-педагоглар, талаба-ёшлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Унда одам савдоси, терроризм ва экстремизм сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига таҳдид қилаётгани энг хавфли ижтимоий иллатлардан бири эканлиги ҳақида сўз борди. Бу каби ишлар жамиятнинг нафақат сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига зарар етказиши, балки одамларга оммавий тарзда психологик босим ўтказиб, энг мудҳиш оқибатларга олиб келиши таъкидланди. Мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш партия ва жамоат ташкилотлари олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев сўзга чиқиб, юртимизда турли соҳаларда эришилаётган барча улкан ютуқларимизнинг замирида жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

— Бугунги кунга келиб одам савдоси, экстремизм ва терроризм сингари иллатлардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда, — дейди партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Эшонқулов. — Ҳудуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида мамлакатимизда миллий қонунчилик асослари яратилган.

Бу борада Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Ўзбекистон инсон қадри улуғланган юрт" каби қатор лойиҳалар доирасида аҳоли ва ёшлар ўртасида, жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Мазкур учрашувларда Ўзбекистоннинг одам савдоси, экстремизм ва терроризмга қарши халқаро майдонда олиб бораётган сиёсати минтақа ва умумбашарий даражада тинчлик-барқарорликни сақлаш, мамлакат суверенитети ривожланишининг бардавомлиги ҳамда халқнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари кенг тарғиб қилинмоқда.

Миллатимиз ғурури, қадр-қимматини топтайдиган, тинч-осойишталигига хавф соладиган иллатдан огоҳ бўлишга чорлаган давра суҳбати сўнгида иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тадбирлар

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва сиёсий партиялар ҳамкорлигида "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ижтимоий шериклик масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ёшлар масалалари бўйича Комиссияси раиси, Қонунчилик палатаси депутати Козим Тожиев, шунингдек, сиёсий партиялар аъзолари ва фаол ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёшларга тадбиркорлик соҳасида яратилаётган инновацион ғоялар, имконияти чекланган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг долзарб масалалари каби тақдимот ва таклифлар киритилди.

– Мамлакатимизда биз ёшлар учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги ва бу борада Президентимиз томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинаётганлиги бунга яққол мисолдир, – дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси Гулҳаё Маъруфова. – Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз ва шу билан бирга Президентимизнинг бизга билдирган юксак ишончини оқлашимиз зарур.

Тадбир давомида ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар ва келгусида ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган режалари юзасидан тенгдошлари билан фикр алмашдилар.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Xodjimatov Dilshod Dilmuratovich" ЯТТнинг (ИНН 600980387) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тел: (93) 615-26-14.

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели-8а, 6-уй, 51-хонадон учун Ахмедов Жура Мирзахмедович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Ховос кўчаси, 1-муюлиш, 16-уй учун Дьяченков Николай Петрович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Авиасозлар 1-мавзеси, 112-уй, 52-хонадон учун Каримов Элмурод Эсанбаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма - босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Яшнобод филиалининг 15.10.2018 йилдаги 09/115-сонли буюртманомасига асосан АТ "Халқ банки" Яшнобод филиали тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Галабанинг 40 йиллиги, 2-мавзе, 8-уй манзилда жойлашган умумий майдони 39 кв.м., бошланғич нархи 120 000 000 сўм бўлган № 18-сонли шохобча биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2018 йил 19 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 4 ва 19 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Юнусобод филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Тел: +998-71 236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298

Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан 2006 йил 7 февралда № 001728-08 рақами билан рўйхатдан ўтган "O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tibbiyot o'qtuvchilarining malaka oshirish markazi" (ИНН № 206077789)
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Чилонзор тумани, Чилонзор "Е" мавзе. Тел: 71 277-85-94, 71 277-22-13.

Футбол янгиликлари

МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси пойтахтимиздаги "Миллий" стадионда Қатар терма жамоасига қарши футбол бўйича назорат-ўртоқлик учрашувида сермазмун ўйин намойиш этди ва 2:0 ҳисобидаги ишончли ғалабаси билан мухлисларни қувонтирди.

Айтиш жоизки, қатарлик чарм тўп усталарига қарши ўйинда Эктор Купер КХДРга қарши ўтказилган учрашувдан фарқли ўлароқ етти нафар янги футболчини майдонга туширди. Бу safар дарвозани "Қўқон-1912" аъзоси Ўткир Юсупов қўриқлаган бўлса, ҳимоя чизиғида А.Исмоилов, Е.Кримец, А.Шораҳмедов ҳаракат қилишди. О.Ҳамробеков, О.Аҳмедов, Ж.Сиддиқов, И.Алибоев ярим ҳимояда ўйнашди. Рақиб дарвозасига ҳужумчи сифатида Э.Шомуродов ва Ҳ.Гофуров хавф солиб туришди. Дарвоқе, Д.Турсунов, И.Тўхтахўжаев, М.Бикмаев, Д.Ҳамдамов, В.Козаклар заҳирадан майдонга тушиб, терма жамоамиз ғалабасига муносиб ҳисса қўшишди. 90 дақиқа давом этган беллашувда терма жамоамиз ҳимояни унутмаган ҳолда ҳужумкор, тезкор футбол намойиш этди. Қатарликлар эса қарши ҳужумга таяниб ҳаракат қилишди. Миллий терма жамоамиз устунлигида кечган баҳс 2:0 ҳисобидаги ажойиб ғалаба билан якунланди. Голларга О.Аҳмедов, М.Бикмаев муаллифлик қилишди. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳали ҳимоя чизиғида Эктор Купер томонидан амалга ошириладиган ислоҳотларни футболчилар тўлиқ ўзлаштириб олишлари лозим. Ҳужум чизиғида ҳам муаммолар борлиги сезилиб турибди. Лекин терма жамоамизда интизом, уюшқоқлик ва бир-бирларини тушуниб ҳаракат қилиш ҳолатлари яхши томонга ўзгарганлиги, футболчилар ҳамжиҳатлиқда ўйнаётганликлари қувонарли.

Нима бўлганида ҳам, терма жамоамиз ўйини янада кучайиб, халқаро турнирларда фақат ғалаба қозонишларига тилакдошмиз. Энди ноябрь ойида Австралияда терма жамоамиз ўқув-машғулот йиғини ўтказади. Жанубий Корея ва Ливан терма жамоаларига қарши ўртоқлик ўйинларида майдонга тушади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ

Футболи тараққий этган Бельгиянинг ўн тўққиз ёшгача бўлган терма жамоаси бош мураббийи Жеки Матиссон Ўзбекистон ёшлар термасига қарши кечган кичик ҳисобдаги дуранг натижадан сўнг ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

"Ўзбекистон терма жамоаси жуда яхши ҳимояланди. Рақиб бизга эркин ҳаракатланиш имкониятини бермади. Биз майдонда бўш жойлар ташкил қилиш учун курашдик, бироқ бу кўнгилдагидек чиқмади. Балки сизнинг ўйин услубингиз шунинг устига қурилгандир. Биз эса ҳужумкор футболни ёқтирамиз. Иккинчи бўлимда таркибни деярли янгиладик, ҳисобни тенглаштирдик. Бироқ бошқасига имкон бўлмади. Биз Испанияга тўрт кунга келгандик. Рақибимиз фақатгина Ўзбекистон эди. Ўйлашимча, учрашув биз учун фойдали бўлди. Энди расмий турнирга тайёргарлик кўрамиз. Олдинда Мальта, Литва ва Францияга қарши қийин учрашувлар кутиб турибди", дейди Жеки Матиссон.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этишмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга уларни жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Латофат ПАХРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

* * *

Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқлик туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўплаб моддий бойликларни кулга айланиши, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Шу ўринда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига риоя этишлари муҳимлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Чунки, ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш барчанинг бурчи эканлигини унутмаслик зарур.

Санжар АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

* * *

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар бинолари да содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши курашмоғимиз даркор. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Ф.МИРЗАЕВ,
ЁХБ инспектори, лейтенант

* * *

Турмушда газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари ёнғинга сабаб бўлувчи омиллардан.

Фуқароларимиз аксарият ҳолларда шу каби хавфсизлик қоидаларини билишади, лекин етарлича эътибор қилишмайди. Айримлар ҳатто кўра била туриб қоидаларни бузишади, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек. Оқибатда эса ёнғин содир бўлиб, катта зарар келтиради.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ана шундай фалокатларнинг олдини олиш мақсадида жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, бу борадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича йўриқномалар ва кўрсатмалар ҳам бериб келишмоқда.

Мурод ЗИКИРОВ,
ЎзМТРК ЁХБ кичик инспектори, сафдор

* * *

Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг неча бор огоҳлантиришлари, жаримага тортишларига қарамай, ҳамон ўз билганларидан қолмай, уйларида носоз электр, газ плиталаридан фойдаланиб келаётганларнинг борлиги ачинарли ҳол.

Хонадонларида ёнғин содир бўлганда эса ёрдам сўраб туришлари кишини ҳайрон қолдиради. Ахир куни кеча тинч ва осуда ҳаёт кечириб, ўз меҳнат маҳсулидан баҳра олиб юрган оиланинг уйи бир кечада кулга айланиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Агар инспекторларга қулоқ солишганда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишганда бундай ҳол юз бермасди.

Ёдингизда тутинг ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир!

Сирожиддин БАЙТЕРЕКОВ,
"Тошкент ИЭС"ни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, сержант

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ҚИЛИНДИ

Амалдаги тартибларга кўра, республика ҳудудига қалбакилаштирилган маҳсулотлар ва товарларни ноқонуний олиб киришга чек қўйиш мақсадида божхона чегараси орқали товарларни олиб кираётган юк ташувчилар чегарани кесиб ўтган жойидаги божхона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан уларнинг номи, миқдори, вазни ва юклар қиймати ҳақидаги маълумотни тақдим этишлари шарт.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Чуқурсой техник идора" чегара божхона пости ходимлари Хитойдан пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг номига келтирилган контейнерларни кўздан кечириш давомида яна бир божхона қоидабузарлигини фош этишди.

Ҳужжатларга кўра, контейнерларга 52,6 тоннадан ортиқ 13 турдаги хўжалик товарлари ортилган бўлиши лозим эди. Аммо, божхона кўриги давомида контейнердаги юклар билан ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида тафовутлар кўзга ташланди.

Натижада контейнерларда ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча, жами қиймати 337 млн. сўмлик, 12,5 тоннага яқин бурама михлар, 1 тоннадан ортиқ канцелярия ишида фойдаланиладиган тиғ ва пичоқлар ортилганлиги аниқланди.

"Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари ҳам жисмоний шахслар томонидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилишига доир божхона қоидабузарликларини фош қилишди.

"Олмаота-Нукус" йўналиши бўйича кириб йўловчи ташиш поезди вагонларидан бирида қўшни давлат фуқароси йўловчи божхона декларациясида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилмасдан туриб, стоматологияда қўлланиладиган салкам 1800 дона сунъий тиш ва қуйма ларни олиб кираётганлиги аниқланди.

Мазкур тиббий буюмларнинг умумий қиймати 25 млн. сўмдан ортар экан.

Бундан ташқари, айни шу рейсдаги яна бир вагон қўшни давлат фуқароси томонидан ҳам содир этилган божхона қоидабузарлигига нуқта қўйилди. Ушбу шахс ҳам божхона назоратидан яширганча, қиймати 20 млн. сўмдан ортиқ бўлган 132 дона уй телефонлари, 242 дона уяли телефон аксессуарлари ва бошқа турдаги 23 хил товарларни олиб кираётган пайтда тўхтатиб қолинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 91-моддасини Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганиш якунлари юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

ЧИҚИНДИ НОТЎҒРИ ЖОЙЛАШТИРИЛСА...

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси, "Махсустранс" ва ихтисослашган "Муқобил" корхоналарнинг иш фаолиятини ўрганиш мақсадида давлат Экология қўмитасининг масъул ходимлари, "Махсустранс" ДУК раҳбарияти ва туман ҳокимиятлари билан биргаликда пойтахтимизнинг барча туманларига чиқиб ўрганилди.

Ўрганишлар натижасига кўра "Махсустранс" ва "Муқобил" корхоналар ишидаги хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган ҳолда, белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиниб, туман ҳокимиятлари ва "Муқобил" корхоналар раҳбарларига юборилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2012-2016 йиллар мобайнида шаҳардаги хўжалик юритувчи субъектларда 584 та режали, 10 та режадан ташқари, 228 та назорат тартибида, 420 та ҳолатда бюджет ташкилотларида текширувлар ўтказилган ҳамда аниқланган қоидабузарликлар бўйича 1058 нафар мансабдор шахс "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 91-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан жами 51,48 миллион сўм миқдорида жарима ундирилган.

Мазкур бошқарманинг кунлик назорат натижаларига кўра, 2017 йил октябрь ойидан жорий йилнинг октябрь ойигача бўлган даврда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонуни талаблари бузилган 14733 ҳолат аниқланган. 2017 йилда мансабдор шахслар томонидан саноат чиқиндиларини ташиш масаласида 48 марта, йўқ қилишда 7 марта қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилган.

2017 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонуни талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишлар фаоллаштирилган. 2017 йилнинг декабрь — 2018 йил майлари оралиғида "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 91-моддаси бўйича чиқиндилар билан ишлашда қонунбузилишига йўл қўйган 517 фуқаро жавобгарликка тортилиб, уларга 93,1 миллион сўм жарима солинган.

Тошкент вилоятида 2017 йил мобайнида жами 1394 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг 223 таси чиқиндиларга боғлиқ бўлиб, бу умумий қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан 40,8 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу қонунбузилиши оқибатида 133 миллион сўмдан зиёдроқ жарима солинган. Йил давомида хўжалик юритувчи субъектлардан чиқиндиларни жойлаштирганлик учун жами 1,7 миллиард сўм компенсация тўловлари ундирилган.

Бугунги кунда энг асосий долзарб муаммолардан бири бу, кундан-кунга ишлаб чиқариш саноат корхоналари ва аҳоли сонининг ўсиб бориши эвазига ҳар хил қаттиқ ва маиший чиқиндилар, саноат ва зарарли чиқиндиларнинг ҳажми кескин равишда ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектлари чиқиндиларни ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади.

Тошкент вилоятида 2017 йилда жами 3 млн. 289 минг 318 тонна чиқинди ҳосил бўлган. Шундан: маиший чиқиндилар 815 минг 998 тонна, қаттиқ маиший чиқиндилар таркибидаги фойдаланишга яроқли иккиламчи ресурслари бўлган хом ашёни 20 та турли йўналишда қайта ишлаш корхоналари томонидан 42 минг 171 тонна чиқиндилар қайта ишланган, ушбу кўрсаткич ҳосил бўлган жами қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 10.4% ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонунлари талабларига риоя этилиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш доирасида 2017 йил давомида 99 та режали, 292 та бюджет ташкилотларида текширишлар ҳамда Тошкент вилоятининг туманларига бириктирилган 1-тоифали давлат инспекторлари томонидан қонунбузарликларни аниқлаш бўйича 1685 та тезкор тадбирлар ўтказилди ва аниқланган ҳолатлар юзасидан 1394 та фуқаро ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 70, 72/1, 75, 82, 86, 88/1, 88/3, 91/1, 96, 65-моддаларига биноан маъмурий жавобгарликка тортилиб, 322 млн. 304 минг 600 сўм миқдорида жарима ундирилган ва 572 та огоҳлантириш хатлари берилган.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикси МЖтКнинг 91-моддасини қўллашда юридик шахслар томонидан қатъий эътирозлар билдирилиб, уларнинг фаолиятига фақатгина назорат қилувчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режа-жадвалига асосан амалга ошириш талаб этилмоқда. Ваҳоланки, айнан бу йўналишда аниқланган ҳуқуқбузарликларни жавобгарлик масаласида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилади.

Депутатларнинг фикрича, мазкур соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таъсирчан механизмларнинг етарли эмаслиги, қонун нормалари такомиллашмагани, шунингдек, ундаги бўшлиқлар аҳоли пунктларини маиший ва саноат чиқиндилари билан ифлослантирган шахсларни жавобгарликка тортишда қонуний асос йўқлиги оқибатида бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Ҳудудларда саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик ҳолатига маъмурий жазо чораси қўлланилишини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳудудларда барча турдаги чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, қайта ишланиши ва кўмиб ташланишида қонун нормаларига қатъий риоя этиш чораларини кўриш ва чиқиндиларни белгиланган меъёрлардан ортиқча жойлаштиргани учун иқтисодий жавобгарлик механизмини кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинаётган қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш тавсия қилинди.

К.НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига қарашли Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй ўқув биносида жойлашган овқатланиш майдони 217 м.кв бўлган ва қуввати 140 ўринга мўлжалланган ошхонада профессор-ўқитувчи ва талабаларга арзон ва сифатли таомлар тайёрлаб сотилишини ташкил этиш учун хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларидан 10 кун ичида таклифларни қабул қиламиз.

Бундан ташқари мазкур ошхона капитал таъмирга муҳтожлиги ва ошхонага жиҳозлари фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганлигини ҳисобга олиб ижарага олувчи кичик бизнес субъекти ошхона биносини капитал таъмирлаш ишларини бажаришни ҳамда замонавий ошхона жиҳозлари билан таъминлашни ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт эканлигини маълум қиламиз.

Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123. Тел: 71 255-90-39.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 октябрь** куни ҳаво ўзгариб т уради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1035

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4402 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345